06.20.10,110

# ТАБИИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

## 255 сонли шартнома

«20» январ 2022 йил Бухоро ш

Бухоро давлат музей қўриқхонаси
(Хўжалик юритувчи субъект номи)

(бундан бўён **«Истеъмолчи»** деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б.Б. Носиров бир томондан ва

(газ етказиб берувчи корхонанинг номи)

(бундан бўён «**Таъминотчи**» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари иккинчи томондан Ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартноманинг предмети

1.1. Ушбу шартнома бўйича **«Истеъмолчи»нинг** буюртманомасига мувофиқ тармоқлар орқали табиий газ етказиб беришни **«Таъминотчи»** ўз зиммасига олади. **«Истеъмолчи»** эса мазкур шартноманинг 1.3. бандида белгиланган табиий газ ҳажмини қабул қилиб олиш ва белгиланган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. **«Таъминотчи»** табиий газ етказиб беришни фақат **«Истеъмолчи»да** газ ўлчаш асбоблари мавжуд бўлган ҳолатда амалга оширади.

1.3. **«Истеъмолчи»нинг** буюртманомасига асосан 2022йил етказиб бериладиган табиий газнинг ҳажми 30 300 минг куб.метрни, нарҳи, 660 сўм Р= кгс/см$^2$ 19 998000 минг сўмни ташкил қилади,

шундан бюджет маблағлари ҳисобидан сўм,

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Ўн тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон саккиз минг сўм.

шу жумладан чораклар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли карорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 чорак ______ минг куб.м. | январ ______ | феврал ______ | март ______ |
| 2 чорак ______ минг куб.м. | апрел ______ | май ______ | июн ______ |
| 3 чорак ______ минг куб.м. | июл ______ | август ______ | сентябр ______ |
| 4 чорак ______ минг куб.м. | октябр ______ | ноябр ______ | декабр ______ |

1.4. **«Истеъмолчи»** ойма-ой буюртманома бермаган ҳолатда, табиий газ ҳажми **«Таъминотчи»** томондан чоракка ажратилган газ ҳажмини ойма-ой бир хил тақсимлайди.

1.5. Табиий газни узлуксиз етказиб бериш мақсадида **«Таъминотчи»** томонидан истеъмол қилинган ойлик газ ҳажми 100 минг.куб.м.дан ортиқ **«Истеъмолчи»лар** учун, ойлик газ ҳажмидан келиб чиқиб ўртача кунлик ва ўртача соатлик газ ҳажми ҳисоблаб чиқилади.

1.6. Ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларига ўзгартириш, истеъмолчининг таклифи билан мўлжалланаётган ўзгартиришлардан камида 10 кун олдин навбатдаги ой (йил чораги) учун буюртма берилган газ ҳажмлари бўйича шартномаларга киритилган ўзгартиришлар ортиқча олиш деб ҳисобланмайди. ой бошланишига 10 кун қолгунча, томонларнинг келишувига асосан белгиланган тартибда киритиш мумкин. Лекин ушбу ўзгартиришлар 1 ойлик газ миқдори учун 30% дан кам булмаган фоизда олдиндан тўлов ўтказилганда амал қилади. (Бюджет ташкилотлари учун камида 100 фоиз миқдорида олдиндан тўлов ўтказилганда амал қилади.)